



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@exat.uz 2013 yil 15 noyabr • №46 (4237)

АМУДАРЁ ТОМОНЛАРДА

Нукусдан Қорақалпоғистоннинг тўрт томонига тўртта катта йўл кетган. Сўл томондагиси Хўжайлино Қўнғиротдан ўтиб, Устюрт ва Мўйноқ томонларга тарашиб кетган бўлса, ўнг тарафдаги йўл Чимбойу Тахтақўпирга олиб чиқади. Шарқ томон йўналган йўл эса, Қизилқум қўйнидаги Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларига элтади. Кўҳна Жайхуннинг ўнг соҳили бўйлаб, Хоразм томон юз бурсангиз Амударё, Беруний ва Эликқалъа асрлар қаъридан садо таратиб, қалбингизни ҳайрату ҳаяжонга чулғайди.

Нукусдан Амударё соҳили бўйлаб жануб томон саҳрони ўқдай кесиб ўтган йўл кум барханлари, дарё қайирлари оша ўтади. Ўнг томонда кўҳна Чиллик қалъаси, сўл томонда эса Қоратову Султон Увайстоғ чўққилари салобат тўкиб, кўҳна қалъалар сари юз бурган кишиларни худуднинг узок-яқин ўтмишию бугунги нафаси билан ошно этмоқчи бўлгандай ўзига чорлайверади.

Ана шу манзиллар томон йўл олиб, ҳар икки тарафимиздаги ўзгаришлар — истиқлол замони манзаралари билан танишиб бораёلمиз. Дастлаб автойўл бўйлаб ёнма-ён кетган Навоий — Учқудуқ — Нукус темир йўлидан ўтаётган поездлар бу жойларни пойтахту Фарбу Шарқнинг узок-яқин давлатлари билан боғлаб турганини ҳис этасиз. Айни шу йўналишда янгидан барпо этилаётган — қир-адирлар текислигиб шағал ётқизиладиган, асфалтловчи машиналар гуриллаб ишлаётган, аллақачон битган жойларга эса, йўлтўсиқ ва белгилар қўйилаётган халқаро аҳамиятдаги "Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов" (А-380) автомо-

бил йўли қурилиши эътиборингизни тортмай қолмайди. Салкам юз чақирим масофада улкан йўлсозлик жараёнлари билан танишиб бораёганмиз, Ватанимиз қудрати бор бўй-бас-ти билан кўрингандай бўлади. Бу йўл қўт-ба-

Истиқлол ва иқтисод

ларнигина эмас, замонларни ҳам замонларга боғлайди. Бир-бирига дўстона қўл чўзган элларни тараққийнинг янги манзиллари сари йўллайди...

Манзилга яқин қолганимизда улвони ўнг томон буриб, кўҳна Жайхун узра улкан дорнинг арқонидай лопиллаб турган понтон кўприкка рўбарў бўлдик. Бир пайтлар дарёнинг шу жойида катта кечув бўлган. Улкан дарёнинг у юзидан бу юзига қаровонлару бир-бири билан борди-келди қилувчи эл-улус асрлар бўйи кемаю қайиқларда ўтиб-қайтиб туришган. Амударё Тямўйин берисидан тўғон билан жиловланган

эса, кечув ўрнида кичик кемаларни бир-бирига боғлаб туташтирилган понтон кўприк пайдо бўлди. Ҳамроҳларимизнинг гувоҳлик беришича, шу жойда дарёга катта кўприк солиш бўйича ҳам янги лойиҳалар тайёрланаётган экан...

Ҳайдовчи йигитга машинани тўхтатишни илтимос қилиб, дарёдан поё-пиёда ўтгимиз келди. Негаки, айни куз пайти суви жилдираб қолган ўзани бор бўй-бас-ти билан томоша қилиш мумкин эди. Дарёнинг кўкламги ваҳимаси йўқ, у анчайин ювош тортиб қолган. Шундай бўлса-да, биз қадим Туркистоннинг энг буюк дарёси устидан ўтиб борардик. Не-не замонлар, не-не давру давронлар гувоҳи бўлган бу кўҳна наҳр билан юзма-юз бўлиш ҳар бир одамнинг умр дафтарига ўчмас хотиралар битиши тайин. Мен ҳам понтонлар узра қадам ташлаб борарканман, шу дарё билан боғлиқ жуда кўп воқеаларни эсга олдим. Чорак асрча аввал бу диёрга қилган сафарларнинг бирида устозларимиз Матёқуб Қўшонов, Норбой Худойбергенов ва Пирмат Шермухамедов ҳамроҳлигида кемада сузиб, шу жойга яқин Чиллик қалъасию Бадайтўқай қўриқхонасини томоша қилганимиз, сўнг дарёнинг чап соҳилидаги савё қайиқларда қулоч отиб сузганимиз эсга тушади...

Давоми иккинчи саҳифада.



Хуршид ЗИЁХОНОВнинг «Сирли наво» асари.

АНЪАНАНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Бугунги Ўзбекистон тасвирий санъатида Акмал Нур, Файзулла Аҳмадалиев, Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов ва яна бир гуруҳ рассомлар янги бадий йўналиш вақили сифатида ижод қилмоқдалар. Улар орасида рассом Хуршид Зиёхонов ўзига хос бадий услуби ва мавзулари билан ажралиб туради.



Мустақиллик байрами арафаси эди. Турилаган қишлоғим — Пошхурда катта кўприк қуриб битказилганини Кўхитанг фуқаролар йиғини раиси Хайназар Боймирзаевдан телефон орқали эшитиб, хурсандлигимдан ичимга сиймай кетдим. Битта кўприк қурилганига шунча ҳаяжоним, деб

ўйлашингиз мумкин. Тўғри, бандида маҳобатан, улкан замонавий кўприклар бугун юртимизнинг турли шаҳар ва туманларида қўлаб қурилмақда. Аммо бу кўприк қурилишини нафақат мен, балки, ота-боболарим, барча ҳамқишлоқларим асрлар, йиллар бўйи кутишган-да.

ЎТМИШИ ШУКУҲЛИ, КЕЛАЖАГИ БУЮК

Чунки, қишлоқни қоқ бўлиб ўтадиган катта сойдан сел келганда биз ёш болалар уч-тўрт кунлаб мактабга бора олмадик. Қолаверса, баҳор ойларида сел келса сойдан ўтмоқчи бўлган моллар оқиб кетгани, ҳатто баъзи пайтлар одамлар ҳалок бўлгани ҳеч кимга сир эмас.

Кўприкнинг узунлиги етмиш метр. Унга 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бу улғу иш "Сурхонкўприкқурилиш" бошқармаси томонидан амалга оширилди, — деди телефондаги ҳамсуҳбатим, ҳаяжонини яширолмай. — Аммо қишлоқ аҳли ҳам қараб турган-

ни йўқ, бир неча бор ҳашар қилишди, айланаб келсангиз жуда кўп маълумотларга эга бўлардингиз-да.

Мен кўприкни суратга олиб, уни шу қишлоқ ҳақидаги бўлажак фотокўргазмамга қўйиш учун Пошхурда йўл олдим. Мана, мен "Ўзбек миллий автомагистрал" бўйлаб жойлашган

Тошкент — Термиз йўли бўйлаб кетаяман. Чор атрофга назар соламан. Бир пайтлар одамнинг тинкасини қуритадиган йўл — тоғли Деҳқонобод, Бойсун ва Шерободгача халқаро андозаларга жавоб берадиган тарзда таъмирланиб, лозим жойларда янги-сини бунёд этиш ишлари олиб борилаётгани кўзга ташланади. Баъзи жойларда "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли билан ёнма ён кетган бу йўлнинг ландшафти хилма-хил бўлгани боис, уни раво ва текис қилиш жуда қийин. Ше-

робоид шахрига ўн икки чақирим етмай, даралар оралаб, гарбга, тоғлар томон бир неча йўл кетади. Мен улар орасидан "Кўхитанг" деб ёзилган йўл кўрсаткич турган жойдан ўнг томонга буриламан. Бу йўл сизни Пошхурд пасттексислиги томон элтади. Табиати ғаройиб манзараларга бой бу маскан Кўхитанг тоғлари ва Саримас — Калиф — Шеробод тоғ тизмалари ўртасида жойлашган. У Ўзбек миллий автомагистралдан 30 чақирим наридан бошланади. Йўл Майдонсойни кесиб ўтади. Оҳақтошли, қатламлари шаклу шамойиллари, ранги турлича тоғ тизмалари оралаб давом этади. Улар орасида энг ғаройиблари — Нондахана ва Гумдахана даралариридир. Ана шу йўлдан ўтиб, Пошхурд ҳавзасига тушасиз. Пошхурд пасттексислигининг жануб томонида ястаниб ётган жанубий-шарқий текисликлар кўринади. У ерларда сув бўлмаса-да, шағал тошиқларда ўсган шувой, шохалак ва турли хил ёввойи буталару би йиллик ўсимликларни кўриш мумкин.

Давоми тўртинчи саҳифада.

СОЗИМДА ВАТАН ВАСФИ



Узбекистон Миллий кутубхонасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси санъаткорлари, Ўзбекистон халқ шоирлари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳамда

шоири, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси Иқбол Мирзо. — Баъзи қўшиқлар эса маъносини тушунганигча тугаб қолади. Бугун ёш ижодкорлар билан хонандалар бирлашиб, жиддий адабий ҳамкорликни йўлга қўйдик. Уйлайманки, бундай ҳамкорлик самарали давом этади.

Китобга шеъри киритилган ёш шоирлар Дилором Дилхон ва Рустам Мирвоҳид ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ҳамда таниқли бастакор Мусахон Нурматов сўз ва оҳанг уйғунлиги борасида сўзладилар. "Ҳар бир хонанда биридан галда шеърга эътиборли бўлиши шарт, — деди О. Назарбеков. — Улмас шеърлар асосида ўлмас қўшиқлар дунёга келади. Агар қўшиққа танланган шеър оҳангсиз ҳам тинглаган кишини таъсирлантира олса, ҳақиқий ижод намунаси ҳисобланади. Бу дароғҳа келгач, ўзим ҳам хали жуда кўп китоб мутолаа қилишим зарурлигини англадим."

Тадбир доирасида давлат ва жамоат тадбирларида фаол иштирок этиб, халқимизга маданий хизмат кўрсатишда пешқадам бўлаётган бир гуруҳ эстрада хонандаларига имтиёзли лицензиялар берилди. Шунингдек, Миллий кутубхона раҳбарияти билан ҳамкорликда 2014 йилдан бошлаб ҳар чоракда санъаткорлар билан ижодий учрашув ўтказиб туриш, фаол хонандаларни муқофотлашга қелишиб олинди.

Мехригиё БОЗОРОВА

Узбекистон Миллий кутубхонасида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси санъаткорлари, Ўзбекистон халқ шоирлари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳамда

шоири, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси Иқбол Мирзо. — Баъзи қўшиқлар эса маъносини тушунганигча тугаб қолади. Бугун ёш ижодкорлар билан хонандалар бирлашиб, жиддий адабий ҳамкорликни йўлга қўйдик. Уйлайманки, бундай ҳамкорлик самарали давом этади.

Китобга шеъри киритилган ёш шоирлар Дилором Дилхон ва Рустам Мирвоҳид ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ҳамда таниқли бастакор Мусахон Нурматов сўз ва оҳанг уйғунлиги борасида сўзладилар. "Ҳар бир хонанда биридан галда шеърга эътиборли бўлиши шарт, — деди О. Назарбеков. — Улмас шеърлар асосида ўлмас қўшиқлар дунёга келади. Агар қўшиққа танланган шеър оҳангсиз ҳам тинглаган кишини таъсирлантира олса, ҳақиқий ижод намунаси ҳисобланади. Бу дароғҳа келгач, ўзим ҳам хали жуда кўп китоб мутолаа қилишим зарурлигини англадим."

Тадбир доирасида давлат ва жамоат тадбирларида фаол иштирок этиб, халқимизга маданий хизмат кўрсатишда пешқадам бўлаётган бир гуруҳ эстрада хонандаларига имтиёзли лицензиялар берилди. Шунингдек, Миллий кутубхона раҳбарияти билан ҳамкорликда 2014 йилдан бошлаб ҳар чоракда санъаткорлар билан ижодий учрашув ўтказиб туриш, фаол хонандаларни муқофотлашга қелишиб олинди.

Мехригиё БОЗОРОВА

Мустақиллик даврида ўзбек-француз таржимачилиги том маънода янги, юқори босқичга чиқди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, француз адибларининг асосан воситачи тил орқали таржима қилиниб келган дурдона асарлари бу даврга келиб бевосита, яъни аслиятдан она тилимизга ўғирна бошланди.

"КЕЧА ВА КУНДУЗ" РОМАНИ ФРАНДУЗ ТИЛИДА

Жумладан, Ф.Мориакнинг "Илонлар чанғалида" романи (1995, Ш.Минаваров), Вольтернинг "Задиғ ёки тақдир" кассиси (1995, Р.Қиличев ва М.Холбеков), Ш.Л.Монтескьеннинг "Форс номалари" романи (1999, Ш.Минаваров, Р.Қиличев, Х.Орзикулов), Л.Керэннинг "Амир Темур салтанати" романи (1999, Б.Эрматов), Ш.Перроннинг "Она ғоз эртаклари" (2000), Ле Клеззионнинг "Мондо" (2000, Ш.Минаваров) ҳикоялар тўпламлари француз тилидан ўзбекчалаштирилди.

Француз-ўзбек бадий таржимачилигининг ривожланиши икки тил таржимашунослиги учун ҳам ўзига хос воқеа. Юртбошимизнинг ўзбек адабиёти намуналарини бевосита чет тилларига таржима қилишга оид

Таржима — юксак санъат

кўрсатмалари бу соҳада олиб бориладиган ишларнинг жонлантириб юрди. Бир қанча ўзбек ёзувчиларининг хикоялари француз тилига ўғирилди, аммо таржимашунослик соҳасида тадқиқот олиб бораётган изланувчи сифатида ўзбек тилидан француз тилига бевосита ағдарилган бирор бир салмоқли асарнинг йўқлиги мени ўйлантириб келарди. Чунки замонавий таржимашуносликда тадқиқотнинг айнан ўзбек тилидан бевосита чет тилига таржималар тадқиқига бағишланиши маъқул, албатта. Шу маънода, Францияга сафарим чоғида қўлга киритганим — 2009 йили француз таржимонини Стефан Дюдуаньон томонидан ўзбек тилидан бевосита французчага таржима қилинган Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" номли ("Nuit" — "Тун") романи илмий тадқиқотим учун бебаҳо манба бўлиб хизмат қилди.

Абдулхамид Сулаймон Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи яратилганига 80 йилдан ошган бўлса-да, ҳамон ўзбек китобхонларининг меҳрига сазовор бўлаётгани, мазкур асарга француз китобхонларининг ҳам қизиқиши борлиги қалбимни гуруру ва ифтихорга тўлдирди. Асар таржимасини амалга оширган таржимон, осие-шуннос тадқиқотчи С.Дюдуаньон 1962 йили Белгияда таваллуд топган, айни пайтда Париждаги Сорбонна университетида илмий-ижодий фаолият олиб бормоқда. У XVIII асрнинг охиридан 1937 йилгача бўлган давр Марказий Осиёда ислом тамаддуни ва ислохотлар ҳаракати мавзуида илмий изланишлар муаллифи ҳамдир.

Давоми учинчи саҳифада.



Дабилқўрғон сойи.

"ЎЗБЕКИСТОН — ЖАННАТМАКОН ДИЁРИМ"

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейида "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида "Ўзбекистон — жаннатмакон диёрим" номли янги кўргазма ташкил этилди. Унда Қуролли Кучлар давлат музейи ҳамда Табиат музейи тўпламидаги энг ноёб экспонатлар намойишга қўйилган.

Экспонатлар орасида, айниқса, юртимизнинг сўлим табиатини акс эттирувчи фотосуратлар, тувалок, илонхўр бургут, жийрон, қора турна каби ноёб қушлар эътиборни жалб этади. Музей коллекциясидан ўрин олган қирққа яқин фотосуратлар рес-

публика Экоҳаракати ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишлаб чоп этилган фотолангмажга киритилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Кўргазма иштирокчилари, шунингдек, юртимизда наботат олами асраб-авайлаш, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш каби долзарб мавзуларга бағишланган маърузаларни ҳам тингладилар.

Республика рассомлик коллежи ўқувчилари томонидан намойиш

этилган миллий либослар, Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга файз бағишлади.

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон ва Словакия Республикалари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига йигирма йил тўлиши муносабати билан фотокўргазма очилди. Маҳобатли фотосуратлар жамламасидан иборат ушбу намойишда Словакиянинг иқтисодиёт, маданият ва спорт соҳаларида эриш-



Кўргазма запариди

ган ютуқлари ҳақида бой таассурот олиш мумкин.

Кўргазма доирасида таниқли словак олим ва давлат арбоби, генерал Милан Штефанек (1880-1919) ҳайкали иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. М.Штефанек 1906-1907 йиллар давомида Тошкентга ташриф буюрган, Самарқандда ўтказилган илмий экспедицияда қатнашган. Тадбир ташкилотчилари таъкидлаганидек, ушбу фотокўргазма ўзбек ва словак халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар узок тарихга эга экани ва мустаҳкамланиб бораётганини намойиш этади.

Дилноза ЗОКИРОВА

Бошланчи биринчи саҳифада.

Дарёдан икки-уч чакирим юрилгач, Мангит шаҳрига келамиз. У Амударё тумани маркази, бир кўришдаёқ ўн йиллар аввалги қиёфасидан асар ҳам қолмабди, дейсиз. У бир пайлар каттагина қишлоқни эслатарди. Бугун эса бутунлай янги қиёфадаги кўркам шаҳарга айланган. Туман ҳокимлигидаги дастлабки суҳбатимиз юрт ободлиги, эл фаровонлигини таъминлаётган омиллардан бошланди.

— Бу омиллар, аввало, мулкдорлар сафи тобора кенгайиб бораётганида намён бўлмақда, — дейди Қиличбой қишлоғидаги “Хизр эли” маҳалласи оқсоқоли Йўлдош ота Жумамуротов. — Буни яққол кўз олдимизга келтирмоқ учун ўн беш-ўн олти йил аввалги манзараларни эсга олайлик. Ўшанда деҳқончилик маданияти ночор, янги қишлоқлар, янги мактаблар қурилиши бошланганда, бироқ энди-энди битта-ярипта коллежлар қурилаётган эди. Тўғриси, дастлаб бу хайрли тadbир моҳиятини тушунмаганлар ора-мизда кўп эди. Пойтахтдаги баъзи олий ўқув юртлири биносидан қолишмайдиغان бундай улкан коллежлар қишлоққа ҳозир жуда зарурми, ундан кўра шу қурилишларга сарфланаётган маблағни деҳқончиликни кўтаришга харжласак бўлмайди, деганлар йўқ эмасди. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай янгиликларимизни фаҳмлаб қолдик. Туман марказлари ва йирик қишлоқларда қурила бошлаган ана шу коллежлар чинакам тараққиёт омили бўлди. Одамларнинг фикри ўзгарди. Коллежларни битирган турли касб-хунарли ёшлар барча соҳаларда малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъмин этиб, мулкдорлар сафи ҳам кенгай бошлади.

— Туманинг бугунги манзарасини унинг аввалги қиёфасига таққослаганда, мамлакатимизда миллий тараққиёт стратегияси нечоғли тўғри белгиланганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз, — дейди Амударё фермерлар уюшмаси раҳбари Отахон Қурбоннйёзов. — Қишлоқ врачлик пунктлари, коллежлар изидан мактаблар, спорт иншоотлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, замонавий лойиҳадаги янги қишлоқлар бир-бирини тўлдириб, маданий-маиший хизмат шохбачалари вужудга кела бошлади. Ишлаб чиқаришни айтишсизми, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривож топиб, зироатчилик неъматларини қайта ишлаш, тикувчилик, тўқимачилик каби санъат тармоқлари пайдо бўлди. Энди, ҳатто арматура, металл синч каби бинокорлик материаллари ҳам ўзимиздан чиқаяпти. Вермикулит ишлаб чиқариш ва бундай қурилиш ашёларини хоржга сотиб даромад топиш оддий ҳолга айланиб бормоқда.

Суҳбатдошларимиз қатъий ишонч билан айтишчи, бу жараён, шубҳасиз, қишлоқда мулкдорлар синфи шакллангани билан боғлиқ экан. Бир пайлар банклардан атиги 10-15 миллион сўм кредит олиш ниҳоятда қийинлиги сабаби уни олиш учун ишончли қафолат — мулк йўқ эди. Бугун туманга тўғридан-тўғри жалб этилаётган инвестициялар миқдори йилга 40 миллион доллардан ош-

моқда. Негаки, кредит олиш, инвестиция киритиш учун фермер ва тadbиркорлар, МЧЖларнинг кафолатли мулк кўпайди, банклардаги сармоя миқдори оширди. Кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Омонбой Ражабовнинг айтишича, ўтган ўн йил ичида зироатчилик хўжалиқларида шўро даврининг бирорта эски техникаси қолмабди. Уларнинг ҳаммаси замонавий серунум техникаларга алмаштирилибди. Туман бўйича йилга 98-100 та янги трактор, комбайн сотиб олинаётган экан.

Қишлоққа шаҳар маданияти кириб келиб, у изчил жараёнга айланганини биргина туман ҳудудига саҳифта касб-хунар коллежи ва битта академик лицей фаолият олиб бораётгани, кўплаб маданий-маиший хизмат ва ишлаб чиқариш шохбачалари қаторига янги тўйхоналар қўшилганидан ҳам билиш мумкин. “Илгари одамлар тўй қиладиган бўлса, кўчалар тўсилиб ҳаммаёқ тартибсиз бўлиб кетарди, — дейди хонадонидида 150 ёшли гужум дарахтини асраб-авайлаб келаётган Қурбоний Собирова. — Меҳмон кутиш учун қариндош-уруғу кўни-қўшиғича

сўнг, бундай улкан корхона қургунга қадар тadbиркорликнинг қандай босқичларидан ўтгани билан қизиқдик. У фикримизни дарров илғаб, “Қайси бирини айтиш: бозор иқтисоди талаб-бини лухта эгалламагунимча Хитойга етти марта бориб-келдим, — деди. — Оддий миҳдан тортиб, арматура ишлаб чиқаришга, рудадан металл олиш сир-синаотини билмагунимча тинчимадим. Мана, энди янада каттароқ ишга қўл урдим”.

Мақсудбойнинг айтишича, эски тўқимачилик фабрикаси ўрнида қурилган МЧЖга Буюк Британиянинг “Welroy Technology LLP” компанияси томонидан 29 миллион АҚШ доллари тенг инвестиция киритилибди. Мақсудбойнинг саксон фоизи экспортга чиқарилакан. Келаси ойда ишга тушадиغان корхона пахта толасидан дастлаб калава ип ишлаб чиқарса, иккинчи босқичда ип-газлама тўқийди. Германия ва Италия компаниялари дастгоҳлари ўрнатилгани сабабли энг харидориги мақсулотлар тайёрланади. Ҳозир 360, кейин яна 250 киши иш билан таъминланади. Дарвоқе, туманинг санъат бўйи-

серҳосил далаларни кезганда эса амударёликлар эришган юксак деҳқончилик маданияти баҳри дилингизни очиб юборади. Хўш, бу маданият нималарда акс этади? Аввало, фермерларнинг дала шийпонларини кўриб кўнглингиз яйрайди. Бир вақтлар Жайхуннинг эски ўзани бўлган давлатлараро улкан Дарёлик зовури томон бораверишда “Амирхон”, “Бешбоек Қурбонғали”, “Улуғбек Ўрозбоев”, “Ширинбулоқ” кўп тармоқли фермер хўжаликлари далаларидан ўтарканми, уларнинг бир-бирдан қолшмайдиغان янги дала уйларини кўриб завқландик. Бир йўла ҳам куз-қиш, ҳам баҳор ва ёз мавсумига мослаб қурилган бу бинокор фермернинг ўзи ва деҳқонларига чинакам иккинчи уй эканига амин бўлдик. Атрофи ораста қилиниб, дид билан гулу райхон экил-

тармоқларига ихтисослаштиришни қандай уйдаяласиз, деган саволини мизга у:

— Ишлайман, ўзимни ҳам, юртимни ҳам бой қиламан, деган одамга зарур шароит яратиб берилаётганда изланмасдан, имкон топмасдан, янги замон руҳини ҳис этмасдан яшаб бўладими? — дея жавоб қилди.



Нурбек Йўлдошев ва Насиба Шомуродова оиласи янги замонавий уйда. Арслонбек ҚАННАЗАРОВ олган суратлар.

мактабни инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослаштиришни ният қилаётми. Фикримни овулдошлар, аёзолар кўллаб-қувватлашди, сўнг лойиҳага бюртма бердик.

Қурбонғали Бешбоекнинг мулоҳазаларини тинглаб эканми, замондошларимизнинг фикрлаш тарзи нечоғли ўзгаргани, уларнинг тафаккури ва савияси нақадар ўсганига амин бўлдик. Бу истиқлол замони одамлар руҳиятида уйғотган ўзи юртига эғалик туғйўзи миллионлаб қалбларда теран илдиз отганидан яна бир далолатдир.

АМУДАРЁ ТОМОНЛАРДА



“Улуғбек Ўрозбоев” фермер хўжалигининг дала шийпони.

безовта қилинарди. Тўғри, бунинг ҳам яхши томонлари бор эди, албатта: одамларнинг иноқ ва ҳамжихат, бир-бирига меҳрибон, ҳимматли бўлиши шундай маросимлар туфайли қон-қонимизга сингди келарди. Бироқ вақти келганда замон ҳамма нарсани ўзгартираркан. Одамлар янгича фикрлай бошлагач, ҳаётга муносабат ҳам ўзгараркан-да. Энди тўй-тўйчиқлар, хурсандчиликларни шарҳдагидек тартибли ўтказишни хуш кўраётми. Ахир, енгинангизда икки-уч қаватли коллеж, спорт саройи, замонавий қишлоқ ховлиси қад ростлаб турганда ким ҳам эскича тўй қилишни хоҳларди?!

Гурунг шу жойга келганда Дўрмон қишлоғида яшовчи Қурбонғали Бешбоек ўз ҳисобидан бошланғич мактаб қуриб, уни чет тилларни ўргатишга ихтисослаштириш учун лойиҳага бюртма бергани ҳақида ҳам айтиб қолишди. Шундай янгича дунёқараш эгаси бўлган фермер билан танишмай бўладими? Унинг манзили Дарёлик томонда экан. Туман марказидан чиқайтганда хоржий технология билан жиҳозланаётган “Амударётекс” компанияси ёнидан ўтиб қолидик. Корхона бош директори Мақсуд Жума-тов кўзимизга ўта тadbиркор киши бўлиб кўринди. Вақти тизилгани ҳам сезилиб турибди. Аввалдан хабардор этиб, “бироз вақтингизни оламиз”, демаганимиз боис, иш жараёни билан танишишдан истиҳола этиб турган бўлсак-да, салом-алиқдан

ча салоҳиятини равақ топтириш учун 2013-2015 йилларга мўлжалланган комплекс дастурга кўра, бундай корхоналар сафи ошмоқда экан. Бу дастур инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, мавжуд санъат корхоналарини тўлиқ қувват билан ишла-тиш, бўш турган бино ва иншоотларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тижорат банклари ихтиёридаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни кўзда тутди. Бу борадаги аниқ самара Амударёда чинакам ишбилармонлик муҳити яратил-

ганини намён этмоқда. Лойиҳа киймати 1,2 миллиард сўмлик Хитой технологияси асосида йилга 25 миллион донга гишт чиқаришдан “Қорақалпоққишлоқ қурилишсервис” корхонаси, замонавий совутичи мевасазавот омбори, йилга 9600 жуфт пойафзал ва ойига 220 та костюм-шим, йилга 335 тонна қолбаса маҳсулотлари, меҳел ва хўжалик қоғози ишлаб чиқарувчи корхоналар, лойиҳа қуввати 158 миллион сўмлик сутни қайта ишлаш мажмуаси, “Asia silk” Вьетнам шўба корхонаси каби санъат тармоқлари тобора кўпаймоқда. “Zhas metal production” Ўзбекистон — Хитой — Россия қўшма корхонасининг металл эритиш ва қайта ишлаш цехи, транспорт касб-хунар коллежи, болалар мусиқа ва санъат мактаби, “Баркамол авлод” болалар маркази жадал сурватда қурилаётгани, умумтаълим мактаблари капитал таъмирла-ниб, реконструкция қилинаётгани, смета баҳоси 4,27 миллиард сўмлик Мангит — Урганч йўлининг 75,5-79-километрлари реконструкция қилинаётгани, туман маркази ва қишлоқ-ларига янги ичимлик сув тармоқлари тортилаётгани, замонавий лойиҳадаги қишлоқ уйларига кўчиб кира-ётган амударёликлар сафи тобора кўпайгани ҳам туманинг ихтисодий тараққиёти ва маънавий салоҳиятидан далолатдир.

Зироатчиликка ихтисослашган

ган, ҳовузларида балиқлар иргиш-лаб турган бу шийпонлар сизга мўъжаз оромгоҳни эслатиб юборса, асло таажубланманг. Мустақиллик замони деҳқон кишининг қаҳратон изғиринию, ёзининг жазирама саратонида тер тўкиб ишлаши ҳам, қойиллатиб хордик чиқариши ҳам ўрнига кўяди. Даланинг кўрнарли жойига барча кўрсаткичлар кўзгудек қилиб ёзилган рақамларни ўқиркансиз, фермер қайси экиндан қанча хирмон кўтариши қандай тармоқ-ларга ихтисослашганини дарров билиб оласиз. Дастлаб йўл устида танишганимиз “Амирхон” фермер хўжалиги 90 гектар пахтанинг ҳосилдорлигини 40-45 центнердан ошириб тилга тушибди. 2002 йили 50 гектар майдонда фермерлик қила бошлаган Отахон Қурбоннйёзов ҳозир 164 гектар майдонда зироатчилик қиларкан. Пахта ва галладан ташқари боғ, асалари, чорва билан ҳам шуғулланиб келади. Бу йил эса балиқчиликка ҳам қўл урилди: 0,7 гектар майдонда ҳосил қилинган сунёйи кўлда балиқлар билан бир-га гозлар ҳам сузиб юрибди. Ҳовузда балиқларнинг ҳамма туридан бўлса, омборда қишлоқ хўжалик техникаларининг барча тури эгарланган отдек ишга шай ҳолда сақлан-моқда. Хайдов, қолиқ тракторлари-дан ташқари канал ва зовур қаза-диган экскаваторгача мавжудлигини кўриб, фермернинг техникага меҳри бўлакчилигини илғаб оласиз. Ташкент трактор заводи ишлаб чи-қара бошлаган “Белорус” двигател-ли янги пахта териш машиналари ҳам тез орада шу тракторлар ёни-дан жой олса ажаб эмас. Улар асло бўш турмайди. Бошқа хўжалиқлар-да ижара асосида иш бажариб, фермернинг банкдаги сармоясини бойтади.

Отахон Қурбоннйёзов яқинда харид қилган замонавий лойиҳадаги уйлар харажатини қўшимча даро-мадлари ҳисобидан бир йўла тўлаб кўя қолибди. Бундан ташқари, енгил машина ҳам турмали хўжалик техника-ларини таъмирлайдиган устахона очишга тараддуд кўрмоқда. Ундан ҳамма баҳраманд бўлади. Оддий зи-роатчилик хўжалигини турли санъат

Ниҳоят, мактаб қураман деган фермернинг даласига ҳам етиб келдик. Қўли меҳнатдан қаварган, юзларини Жайхун шамоллари қорайтирган Қурбонғали хушрўй шийпони олдида хайдов тракторлар-ини шудгорга кўшаман, деб тур-ган экан. Чарм камзулию янги ну-схадаги деҳқонча этиги ўзига хўб ярашган фермер билан дарров очилиб суҳбатлаша бошладик. Шийпон олдидаги “Дала мадания-ти — фермер мажбурияти”, деб ёзилган лахтада хўжаликнинг бар-ча соҳалари яққол акс этиб турган бўлса-да, фермернинг ўзидан эшитганга нима етсин, деб улар би-лан қизиқа бошлаймиз. Қаранги, пахтаю галла, полизу пилла, чорва-дан ташқари ошқовоғу супургигача хўжаликка даромад келтираркан. Техниканинг ҳаммасидан, ҳатто “Класс” комбайнигача бор. Уларни харид қилиш учун олинган банклар кредити вақтида тўланган. 72 гек-тар пахта даласи ҳосилдорлиги 40 центнердан, галланики эса 55-60 центнердан юқори. Соф даромад юз миллион сўмга боради. Демак, фермернинг мактаб қураман, дега-нича бор экан.

— Бошқалар даромадли соҳалар-га қўл ураятти. Сервис очаяпти, ба-лиқчилик қияпти... Сиз эса, мактаб кўрмоқчисиз?

— Мактаб даромад бермайди де-ганлар янглишди, — дейди фер-мер. — У келажак учун, тараққиёт учун, болаларимиз ўтмишдаги бо-боларидай улуг аллома бўлиб ети-шишлари учун пойдевор бўлади. Мактаб қураман, деганимнинг яна бир сабаби катта мактаб кичик ову-лимиздан икки километр нарида. Бошланғич синфларга қатнайди-ган болаларимиз киш ва баҳорда қий-налмасин, дейман-да. Улар учун овулимиз ўзида бошланғич мактаб қураимиз. Даромадимиз етади. Шу ҳақда ўйлаб юрган кезларимиз Юртбошимизнинг чет тилларини ўқитиш савиясини кўтаришга доир қарори ҳақида эшитиб, фикрим қа-тиийлашди. Ахир, ўйлаб кўринг: бугун дунёдаги уч мил-лиарддан зиёд аҳоли ин-глиз тилида гаплашади, интернет ресурслари-нинг 75 фоизи, фан ва техникага оид китоб ва журналларнинг 60 фо-зи ҳам инглиз тилида экан. Шунинг учун бу

Бир вақтлар Тақир қалъа деб номланган жойда бугун ойдаи қишлоқлар, замонавий лойиҳадаги уйлар қурилибди. Биргина “Обод турмуш йили” дастурига мувофиқ бу йил туманда 70 дан ортиқ ана шундай уйлар биткази-либди. Фақат уларнинг ўзи эмас, улар билан ёнма-ён мактаб, савдо мажмуалари, қишлоқ врачлик пунк-тлари, ҳаммомлар... Ҳозир туман-нинг бир йўла учта даҳасида замо-навий лойиҳадаги уйлар қурилаёт-ган экан. Ўзи ҳам уймисан — уй, ўн икки сўтихдан томорқаси билан. Уй-лар шундай лойиҳаланганки, уй-жойга катта кўчадан, томорқага эса алоҳида кичик кўчадан киришга шар-оит яратилган. Қишлоқ аҳолиси учун яратилаётган бундай шарт-шар-оитга фақат ҳавас қилиш мумкин. Нурбек Йўлдошев оиласи билан ана шундай замонавий гўзал уйларида яшаркан. У замонавий лойиҳадаги қишлоқда янгидан барпо этилган 76-мактаб директори. Рафиқаси Насиба Шомуротова эса Амударё хизмат кўрсатиш касб-хунар колле-жи ўқитувчиси. Шириндан-ширин фарзандлари билан обод ҳовлида яшамоқда.

— Отамиз неча ўн йиллаб тиклай олманг бундай кўркам уйни қуқма-тимиз бир йилдаёқ қуриб берди. Хар қанча қувонсак, фахрлансак, бахтли турмушимиз учун Юртбошимиздан миннатдор бўлсак зарур, — дей-ди уй бекаси.

Бундай дил сузларини замонавий ҳовлиларга кўчиб кирган Қорақалпо-ғистон республикасидаги беш юздан зиёд шундай оила аёзоларининг хар биридан эшитиш мумкин. Ўз ҳаёти-дан мамнун бўлиб, Яратганга шўқро-на айтиб яшаётган оила қувончидан ҳам улуг бахт борми?!

Нукусга қайтаётти, яна Амударё устидаги эски кўприкка юзма-юз бўлдик. Жумуртовдан келтирилаёт-ган катта-катта харсанг тошлар кирғоққа уюб-уюб қўйилаётганидан англадикки, бу ҳам келажакдаги яна бир улуг ишининг “бисмилло”сидан далолат бўлса, ажаб эмас. Лопил-лаб турган кўприкдан охишта қадам ташлаб борарканми, бир пайлар Урганчдан Эликқалъа томон ўтаёт-тиб атоқли шоиримиз қўшна Жай-хуннинг кўклами мавжларидан илҳомланиб айтган шу сатрла-ри ҳаёлимдан кечди:

Кимлигини билар эдим озроқ,
Билар эдим элга суюқлигини.
Амударёни кўрганда бироқ,
Билиб қолдим буюқлигини.
Мурод АБДУЛЛАЕВ

ЧЕТ ТИЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Мамлакатимизда ёшларнинг хоржий тилларни мукамал ўрганишини таъминлаш борасида кўллаб тadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-tadbирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ёшларимизнинг чет тилларини мукамал ўрганишлари ҳақон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланишда қўл келиши шубҳасиз. Айниқса, тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқаларни йўлга қўйишда малакали таржи-мон ва мутахассисларнинг ўрни катта. Бу борада Самар-қанд давлат чет тиллар институтида бой тажриба тўпланган.

Яқинда ушбу масканда ўтказил-ган учрашувда ҳам чет тилларини ўқитишда замонавий технология-лардан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тadbирни институт ректори, филология фанлари доктори,

профессор Шўҳрат Сирожижди-нов очар экан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тўлиқ тadbир қилишда, умуминсоний кад-риятлар, мумтоз адабий мероси-мизни англашда тил ва адабиёт фанларининг ўрни катта эканли-гига алоҳида урғу берди.

Тadbирда академик Азиз Қажумовнинг мумтоз адабиётимиз, улуг шоир Алишер Навоийнинг Самар-қандда кечган ҳаёти, профес-сор Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг эса чет тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги маърузалари тингланди.

Шўҳрат УСМОНОВ

“ЁШЛИК”

2013 йил, 10-сон

Қуюнчаклик билан айтилган фикр-нинг таъсири ҳам, ижобий самараси ҳам бўлади, албатта. Талаба Шохруҳ Абдурасуловнинг “Ҳуштак чалар вақт келмадимми?” сарлавҳали мақоласида аниқ далиллар ор-қали тилга белисанч муносабат танқид қилинган.

“Она” ва “Ватан” сўзларининг мавқе-мартабаси юксак, бу сўзлар-да жозиб ифодасини топган тушунчалар кадриябад кад-риятлардан. Шу боис айни сўзлар табиий равишда уюшиб келади, моҳиятан те-ран ҳақиқатни ифодалайди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиқдин Саййиднинг “Адиб хонадониди” рукнида берилган “Ватан барчамиз-га буюк онадир” мақоласи-да ана шу ҳақиқатни шоир-нинг болаглиги, ўсмирлик даври хоти-раларига узвий боғлиқ талқинларини ўқийсиз.

Журналинг ушбу сони хикояларга бой, тажрибали ёзувчилар қатори ёш ижодкорларнинг ҳам ушбу жанрдаги изланишларидан баҳраманд бўласиз.

Чуноччи, Ҳамид Элхон, Абдусаттор Хотамов, Бахтиёр Нуридиноов, Биби Робиъа Саидова, Акмал Саййид хикоя-лари сизни бефарқ қолдирмайди.

Журналимизнинг варақлаганаси

ларнинг янги туркум шеърлари билан безанган. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Юрта керак бўлсам — шу ўзи хайкал” номи остида бир туркум шеърлари берилган. Шеърятимизнинг навирон авлоди вакиллари Дилором Исмоилова, Файрат Мажид, Шермурод Субҳон сингари шоирларнинг ижодий изла-нишлари самараси сизга манзур бўлади. Шунингдек, бугунги ёш-лар шеъряти, мумтоз ада-биётимизда ватан мадҳи мавзулари-даги ёш тadbиркорлар Д.Бахридди-нова ва Н.Чўлиеванинг қомолалари, Хулио Кортасарнинг “Ассолотл” но-ми хикояси(рус тилидан Неъмат Ар-слон таржимаси) билан ҳам журналинг ушбу сонидан танишасиз.

«ВИЖДОН»

Алишер Навоий номидаги кино са-ройида “Ўзбекино” миллий агентли-ги бюртмасига кўра суратга олинган “Виждон” филмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу янги асар истиқлол йилла-рида халқимиз турмушининг ажралмас қис-мига айланган маҳалла институти, унинг ижтимоий аҳа-ми-ятига бағишланган. Филмда маҳалла оқсоқоли ва фаоллар-нинг ёш авлод маънавий-ахлоқий қамолоти йўлидаги масъ-уллиги, ёш оилалар тарбияси-даги роли ҳақида хўяқа қили-нади.

“Виждон” филмининг Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдуқом Йўлдошев ва Баҳодир Одиллов сценарийси асосида режиссёр Аҳмаджон Унарбоев сурат-га олган. Филмининг постановкачи оператори Бахтиёр Раҳ-монов. Асосий ролларни Эркин Комиллов, Муассар Берди-қулова, Бахтиёр Қосимов, Мироллом Қиличев, Ойша Жўра-ева, Саида Саидбекова каби таникли актёрлар ижро этиш-ган.

Асар тақдимотидан сўнг филм ижодкорлари, соҳа мута-хассислари ҳамда журналистлар иштирокида матбуот ан-жумани ўтказилди. Тadbир қатнашчилари янги асар ҳақида-ги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Ситорабону ТОЛИБЖОНОВА

МУСИҚА МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Истиқлол йилларида замонавий ўзбек композиторларининг Ўзбекистон давлат консерваторияси залида муаллифлик концертларини мухлислар ва мутахассислар эътиборига ҳавола этиш анъанавий тус олади. Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Нодир Нурхўжаев, Дилором Сайдаминона, Ойдин Абдуллаева каби қатор таниқли композиторларнинг концертлари юртимизда муқиқа ҳаётида воқеага айланган.

Яқинда Ўзбекистон давлат Консерваториясининг катта залида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, давлат мукофоти совриндори, профессор Мустафо Бафоевнинг муаллифлик концерти бўлиб ўтди. Шу муносабат билан устоз композиторга бир неча савол билан мувожаат қилдик.

— **Мустафо ака, сиз асарларингизни соната-поэма, опера-донсон, опера-феерия, концерт-балет, концерт-воқеа каби жанрлар синтези тарзида ёзасиз. Янги тахрирда ижро этилган "Зикру ал-ҳак" номли концерт-воқеа асарингиз ҳам шу усулда ижод қилинган. Бунинг сабаби нимада?**

— Биласизми, ҳар бир ижодкор бирор нарсдан илҳомланиб ижод қилади. Мен ҳам, албатта, билимларимга таяниб ижод қиламан. Масалан, соната-макомни олайлик. Нима учун мақом деб аталапти? Сабаби, Фарб ва Шарқ муқиқаси бир-бирини тўлдириб, эгизак асар дунёга келган. Асарда соната шаклидан фойдаланилган бўлса-да, ундан мақом оҳанги яққол сезилиб туради. Ҳатто мақомдан келиб чиққан ҳолда уларга ном ҳам бериш мумкин. Шу тариха икки жанрдаги битта асарни яратишга ҳаракат қилдим. Аслида битта жанрда ҳам фикрни тўлиқ ифодалаб бериш мумкин ва бирталай шундай асарларим ҳам бор.

"Зикру ал-ҳак" концерт-воқеага тўхталадиган бўлсак, бу асар илк вариантда тенор, эркаклар хори, торли, урма чолгулар ва фортепиано учун мўлжалланган эди. Янги тахрирда тенор трубага, эркаклар хори оркестрга, алмаштирилган. Асар мазмунини диний урф-одатлар билан боғлиқ. Унда инсоннинг билиб-билмай қилган гуноҳларини мафират этиш илтижоси ва зикр ҳаракатлари орқали поклашишга интилиши акс эттирилган. Янги вариантда худода ёлвориб муқиқа оҳанглари орқали ифодаланади. Бу асар одамларни яхшиликка, ҳалолликка, покликка чақиради.

— **Концертда янграган асарларингиз "Туркистон" камер оркестри томонидан дирижёр Элдор Азимов раҳбарлигида, яққана-возлар Захро Мухаммаджонова ва Дмитрий Овчинников ижросида янгради. Бу ижроларга муносабатингизни билмоқчи эдик?**

— Очиги, композитор ва бастакорнинг асарлари ижро этилганда, асарият ҳолларда муаллиф ижродан қониқмайди. Чунки муқиқа уммонга ўхшайди. Унинг оҳанглари ҳар ким

ўзича талқин этади. Агар бир асарни нафақат бир мамлакат, балки бошқа мамлакатдаги бирор оркестр ижро этса ҳам умуман ўзгача оҳанг билан янграйди. Демак, бу жараёнинг охири йўқ. Шу сабаб, ижродан қаноатландим, десам ўзимга қарши чиққан бўламан. Агар қаноатланмадим, десам ижрочиларга нисбатан ноҳақлик бўлади. Бугунги концерт тингловчиларга ёқди. Аслида концертдан мақсад ҳам шу — асарга тингловчи муносабатини аниқлаш.

— **Бугунги глобаллашув даврида классик муқиқанинг ўрни қай**

ҳолда қарайди? — **Учрашув**

кўп томонлама илмий бўлиши, бу соҳада муваффақиятга эришаман деса, санъатнинг барча турларини, жумладан, адабиётни ҳам яхши билишини талаб қилади.

— **Муқиқашунослар, ёш тадқиқотчиларнинг фаолияти сизни қониқтирадими?**

— Очик айтадиган бўлсам, баъзи тажрибали, кекса олимлардан ташқари, кўп ҳолларда таниқли муқиқа танқидчиларимиз, муқиқашуносларимиз концертларда онда-сонда кўриниб қолишади. Келишса ҳам фооллик қилмайди, ҳатто асар ҳақида фикр ҳам билдирмайди. Бизни ранжитадиган жиҳат шундаки, баъзи тажрибали муқиқашунослар ҳам композиторларнинг муаллифлик концертларига келмайди. Масалан, ўзимнинг концертимга юзтача таклифнома тарқатдим, лекин кутганларимнинг кўпчилиги келмади. Бу аҳвол, шубҳасиз, талабаларга таъсир кўрсатмай қолмайди. Агар муқиқашунослар фаол бўлиб, классик асарлар ҳақида ҳақоний фикр билдириб турсалар, албатта, бу соҳада ривожланиш бўлади. "Танқид — келажакнинг меваси", деб бекорга айтилмайди.

— **Ҳозирги кунда композиторлик соҳасида таълим олаётган ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

— Устозларим менга қандай маслаҳат беришган бўлса, мен ҳам ёшларга шунч тасирлайман. Композитор бўлиш учун, аввало, ўзида иқтидор ва хоҳиш бўлиши керак. Интилиш кучли, ҳаракатчан бўлиш, ўз истеъдодини намоён эта билиш лозим. Профессионал композитор бўлман, деган одам кўп муқиқа тинглаши талаб этилади. У фақат ўзимизнинг композиторлар асарларини эмас, балки чет эл ижодкорларининг, хусусан, Моцарт, Бетховен каби композиторларнинг мумтоз асарларини ҳам тинглаб, таҳлил этиб бориши фақат фойда беради, деб ўйлайман.

Бирок, "New York Times" нашрининг хабар беришича, Ж.Буш эндиликда профессионал рассом сифатида катта ижодий лойиҳаларга қўл уршини ният қилмоқда. Хусусан, дунёнинг ўш тўққизта давлат раҳбарлари портретларини яратишни режалаштирмоқда.

"New York Times" маълумотига кўра, Буш дастлаб Германия канцлери Ангела Меркель суратини чизмоқчи. Ижодий лойиҳа доирасида Буок Британия ва Франциянинг собиқ давлат раҳбарлари Тони Блэр ва Жак Ширак портретларини яратишни ҳам режалаштирган. Бундан ташқари, ижодкор Россия президенти Владимир Путин суратини чизишни мақсад қилган.

Таъкидлаш лозимки, АКШ президенти орасида тасвирий санъат билан шуғулланганлар кўпчилигини ташкил этади. Масалан, АКШнинг ўн саккизинчи президенти Улисс Грант рассом сифатидаги ижодини ёшлик чоғларидаёқ бошлаган. Дуайт Эйзенхауэр бироз кечроқ кўлига мўйқалам олган бўлса-да, икки юз эллика яқин картина яратишга эришган. АКШнинг ўттиз тўққизинчи президенти Жимми Картер эса ўз асарларини хайрия мақсадида сотиш орқали катта маблағ ишлаб муваффақ бўлгани эътиборга лойик.

сабаб бўлмоқда. Аслида жиддий, фалсафий, профессионал асарлар ёзишга қодир ёшлар йўқ эмас, лекин бугунги талаб даражасида ижод қилиш учун кунт, сабр-қаноат, меҳнатдан чўчимаслик зарур.

Менинг синфимда қорақалпоғистонлик Савлатбой Камолов деган талаба бор. Ана шу йигитдан умидим катта. Ўз соҳасига, ижод жараёнига муносабати жиддий. Демокриманки, ҳаммаси талабанинг ўзига боғлиқ.

Агар у қанча кўп меҳнат қилса, ўзига шунча фойда. Шу билан бирга, композиторлик соҳаси талабадан кўп томонлама илмий бўлиши, бу соҳада муваффақиятга эришаман деса, санъатнинг барча турларини, жумладан, адабиётни ҳам яхши билишини талаб қилади.

— **Муқиқашунослар, ёш тадқиқотчиларнинг фаолияти сизни қониқтирадими?**

— Очик айтадиган бўлсам, баъзи тажрибали, кекса олимлардан ташқари, кўп ҳолларда таниқли муқиқа танқидчиларимиз, муқиқашуносларимиз концертларда онда-сонда кўриниб қолишади. Келишса ҳам фооллик қилмайди, ҳатто асар ҳақида фикр ҳам билдирмайди. Бизни ранжитадиган жиҳат шундаки, баъзи тажрибали муқиқашунослар ҳам композиторларнинг муаллифлик концертларига келмайди. Масалан, ўзимнинг концертимга юзтача таклифнома тарқатдим, лекин кутганларимнинг кўпчилиги келмади. Бу аҳвол, шубҳасиз, талабаларга таъсир кўрсатмай қолмайди. Агар муқиқашунослар фаол бўлиб, классик асарлар ҳақида ҳақоний фикр билдириб турсалар, албатта, бу соҳада ривожланиш бўлади. "Танқид — келажакнинг меваси", деб бекорга айтилмайди.

— **Ҳозирги кунда композиторлик соҳасида таълим олаётган ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?**

— Устозларим менга қандай маслаҳат беришган бўлса, мен ҳам ёшларга шунч тасирлайман. Композитор бўлиш учун, аввало, ўзида иқтидор ва хоҳиш бўлиши керак. Интилиш кучли, ҳаракатчан бўлиш, ўз истеъдодини намоён эта билиш лозим. Профессионал композитор бўлман, деган одам кўп муқиқа тинглаши талаб этилади. У фақат ўзимизнинг композиторлар асарларини эмас, балки чет эл ижодкорларининг, хусусан, Моцарт, Бетховен каби композиторларнинг мумтоз асарларини ҳам тинглаб, таҳлил этиб бориши фақат фойда беради, деб ўйлайман.

Сардор ТОҶИБОВ
сўхбатлашди.

Бугунги Ўзбекистон тасвирий санъатида Акмал Нур, Файзулла Аҳмадалиев, Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов ва яна бир гуруҳ рассомлар янги бадий йўналиш вақили сифатида ижод қилмоқдалар. Улар орасида рассом Хуршид Зиёхонов ўзига хос бадий услуби ва мавзулари билан ажралиб туради.

Унинг расмлари томошабинни, аввало, гайритабиий чизиқлари билан ҳайратга солади. Уларда кубизм аъёнларидан кўра кўпроқ гротеск чизиқлар кўзга ташланади. XX асрнинг бетакрор рассоми Салвадор Дали ижоди таъсири бугунги санъат



аткорлар бадий изланишлари, хусусан, Х.Зиёхонов асарларида ҳам мавжуд. Лекин бу кўр-кўрона эргашиб эмас, балки анъанавий ўзига хос янги талқини дейиш мумкин. Х.Зиёхонов Тошкентда туғилиб ўсган. Отаси оддий ишчи бўлса-да,

анавий услублар ва қутилмаган бадий ечимларни қидиришида кўзга ташланади.

Рассом асарларини кўздан кечириб, ундан коллаж санъати билан қизиқиш-қизиқмаслиги ҳақида сўради. Коллаж — мавжуд асарлар ёрдамида ва улардан фойдаланиб, баъзиларини ёпиштириб янги расм яратиш усули.

— **Нокаттарликка йўмангану "Сирли олам" журнали тахририятидаги ҳамкасбларим мени "буюк ямоқчи" деб аташади, — дейди у фахрланиб. — Чунки баъзи ҳикоя, қиссаларга иллюстрация — илова расм учун жуда қисқа вақт ажратилганда, ўзимнинг аввалги расмларимдаги баъзи жойлардан қирқиб, ёпиштириб фойдаланардим.**

Рассом асарларининг ранги хусусида шунч айтиш керакки, уларда ўзбек халқ амалий санъатига яқинлик кўзга ташланади. Расмларида ижодкорнинг қаҳрамонлигига илқ муносабати сезилиб туради. Бу ўринда Х.Зиёхонов асарлари маш-

Рассом ва замон

батдан зерикиб, четга қараган. Ёнидаги онаси эса унга кўз-қулоқ. Асарият аёллар умумий сўхбатда иштирок этаётган бўлса, четдаги аёл ўз ташвиши билан банд. Рассомнинг айтишича, қишлоқда бир давлат бўлиб қайтгани учун аёллар кийими услуби, уларга хос ранг-баранглик жуда табиий чиққан. Унинг "Ракс", "Кураш" ва "Байрам", "Меросхўр", "Оғрик", "Опа-сингиллар", "Она ва ўғил", "Ҳаёт давом этади", "Томошабинлар", "Бойсулик момо", "Булоқ бошида", "Уч дарвеш" каби асарлари ҳам рангларнинг дадил танлангани, гўзал шакллар уйғунлиги, Шарқ бадий анъаналарига асослангани билан ажралиб туради.

Шу йили рассом мураккаб композицион ечимга эга кўп қиёфали уч қисмдан иборат "Махалла — гузар", "Одамлар" асарини яратди. Унда махалла ҳаёти ўзига хос тарзда, халқ амалий санъати рангларидан фойдаланган ҳолда тасвирланган.

2012 йили Акбар Ҳакимовнинг "Шажара: хотира дарахти" лойиҳаси доирасида Х.Зиёхонов сингилси Умиданин сурати асосида "Қизалоқ ва анор" асарини яратди. Асарда қаҳрамон қишлоқ қизи сифатида акс эттирилган. У анор дарахти тағида ўтирибди, дўпписи, қўйлаги ёрқин ранглари билан ажралиб турибди. Ҳатто қора сочлари орасида анорнинг қизил ранги акс этгандай. Дарахт тасвири реалистик тарзда эмас, балки умумлаштирилиб, нақш, безакка ўхшатиб ишланган.

АНЪАНАНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Фотосуратчилик билан қизиққан. Онаси Холдида Ахорова кўп йиллар "Саодат" журналида атоқли шоира Зулфия билан бирга ишлаган, таржумонлик билан шуғулланган.

Ёшлигидан сурат чизишга ишқибоз Хуршид ҳарбий хизмат чоғида рассом сифатида фаолият кўрсатди, сўнг Театр ва рассомлик санъати институти бадий графика йўналишида ўқиди. График рассом мойбўёқда ишлашга қизиқиб, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб, натюрморт, портретлар чиза бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон учун янги бўлган курак, кубизм ва сюрреализм унсурлари билан боғлиқ мавзуларда асарлар яратди. Бир томондан Европа классик санъати, иккинчи томондан миллий миниатюра аъёнларидан келиб чиқиб ижод қила бошлади.

2003 йили "Санъат" журналида академик Акбар Ҳакимовнинг "Кубизмнинг ўзбекча талқини" номли салмоқли мақоласи эълон қилиниб, унда Хуршид Зиёхонов ижоди таҳлилига катта эътибор берилди. Унда рассом ўз асарларида кубизм бадий услубини изчиллик билан такомиллаштириб бораётгани, аввалги асарларида эса сюрреалистик тажрибага ҳам қўл ургани таъкидланади. Мақолага илова тарзида рассомнинг "Учлик", "Она бўри", "Ботичеллига бағишлов. Мунозара", "Олча", "Қочиш", "Чўмилиётган Ширин" асарлари чоп этилган. Санъатшунослик фанлари доктори Нигора Аҳмедованин фикрича, Хуршид Зиёхонов XX аср авангардизми йўналишида эзланиб, ўзининг янги ижодий услубини тоган.

Хўш, бу янги бадий услуб, йўналиш нимада намоён бўлмоқда? Бу, аввало, олдинги расмий реализм аъёнларидан воз кечишга, ўзининг маънавий оламини янгича бадий-услубий воситалар ёрдамида ифодалашга интилиб, ноанъ-

хур ҳақвчи рассом Телман Мухамедов ижоди сўнггида яратган ёрқин миниатюраларни эслатади. Улар ижодидаги ўхшашликнинг мисоли сифатида ҳар икки рассом автопортретини солиштириб кўриш кифоя.

Хуршид Зиёхоновнинг асарлари табиатан унинг ўзига жуда ўхшайди. Очиқ-кўнгил, ишонувчан, кўринишдан ҳазилга мойил ижодкор танлаган мавзуларини жуда яхши билади, ўз қаҳрамонларини юрак-юракдан севиши яратган асарларида яққол сезилиб туради. У қаҳрамонларининг ички руҳий ҳолатини ўзига хос тарзда акс эттиришга интилади. Масалан, "Зерикаётган қиз" асарида боланин руҳий ҳолати унинг ўтиришида, қўлларини бошига таёб, чимирилган қоллар тағидан, каттақатқўзлари зерикан ҳолда хомуш тикилишида сезилади. Унинг зерикаётган ҳолатини фон учун танланган тўқ кўк ранг ҳамда узокдаги бино тасвири кучайтириб беради.

Рассом юртимиз ҳамда бир қатор чет эл кўргазмаларида катнашган. Голландиянинг Дейсбург, Хайблум ва Фенло шаҳарларидаги шахсий, Германиянинг Дюсселдорф, Франциянинг Париж шаҳарларида бир гуруҳ ўзбекистонлик рассомлар билан биргалликдаги кўргазма, Москва шаҳрида "Шарқ шеърятини боғи" номли Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси бунинг далилидир.

Унинг ҳар бир асарида миллий руҳ уфуриб туради, ранглар колорити беихтиёр одамни ўзига тортади. Масалан, "Дастурхон атрофида" номли иккита асарининг биринчи қисмини олайлик. Бу расмда тасвирланган аёллар, икки қиз ва ўғил боланин руҳий ҳолати аниқ сезилиб туради. Айниқса, болакай умумий сўх-



«Тўшлиқдан сўнг».

Рассомнинг "Тўнғич фарзанд", деб номланган янги бир асарида онаси Холдида Ахорованин суратидан илҳомланиб, алвон рангли кўрпачада, тўнғич фарзандига оналик меҳри билан термулаётган оққора атлас қўйлак кийган, бошида дурра рўмоли аёлни тасвирлаган.

Бу икки асарда рассомнинг ҳаётини материалдан қандай фойдаланишини кўриш мумкин. У фотода тасвирларни айнан қайтармайди, балки улардан илҳомланиб, қишлоқ одамларининг умумлашма образларини ўз бадий услубида яратди.

Хуршиднинг асарларида нозик лирика, рассомнинг ўз қаҳрамонларига ўзгача меҳр-муҳаббатни яққол кўзга ташланиб туради. Мухими, Х.Зиёхонов миллий анъаналарга таянган ҳолда ўзбек кубизмининг ўзига хос қирраларини кашф қилишда давом этмоқда.

Абдумажид МАДРАИМОВ,
профессор

РОККИ ЭНДИ РИНГ ОРТИДА

Бу йил олтимиш етти ёшни қаршилаган таниқли Голливуд актёри Силвестер Сталлоне кино санъатини тарқ этиш ниятида эмас. Буни актёрнинг ўзи ҳам яқинда бўлиб ўтган ижодий учрашувларнинг бирида таъкидлаб ўтди. Сталлоне машҳур "Рокки" филмининг еттинчи қисмида суратга тушишни режалаштиратганини ҳам аширгани йўқ.

Илк бор 1976 йил дунё экранларида намоиш этилган "Рокки" филми қисқа вақт ичида катта муваффақият қозониб, ҳатто учта "Оскар" мукофотиغا лойик қўрилган. Машҳур филмининг навбатдаги қисмининг суратга олиш ёш режиссёр Райан Куглерга топширилган бўлиб, картина номи "Крид" деб аталади. Бирок, аввалги филмлардан фарқли равишда, бу сафар Сталлоне рингга боксчи сифатида чиқмайди. Сценарийга кўра Рокки собиқ рақиб Аполло Криднинг неварасига мураббийлик қилади. Бу ролни таниқли актёр Майкл Жордон ижро этади.

Айтиб ўтиш лозимки, "Рокки" туркумидаги сўнгги филм 2006 йил "Рокки Бальбао" номи билан чиққан. Унинг номийошларга бир юз эллик миллион доллардан ортқ даромад келтирди.

БУШ — РАССОМ

АКШнинг собиқ президенти Жорж Бушнинг картиналар чизиш билан шуғулланиши ҳақида кўпчилик санъат илҳомландари, албатта, эшитган. Эҳтимол, баъзилар буни шунчаки қизиқиш деб ўйлашар.

РЕКОРД ЯНГИЛАНАДИМИ?

"Walt Disney" компанияси кино бозоридаги навбатдаги рекордлардан бирини қайд этиши мумкин. 2013 йил яқунлигига кўра "Walt Disney" студияларида суратга

ЕТТА РАНГ



олинган филмлардан тушган даромад қарийб тўрт миллиард долларни ташкил қилиши кутилмоқда. Агар бу кўрсаткичга эришилса, жаҳон кино бозорида расман янги рекорд ўрнатилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бир йил давомида филмлар намоишидан энг катта маблағ тўллаш борасидаги мавжуд рекорд "Walt Disney" тегишли бўлиб, бу натижа 2010 йили қайд этилган. Бундан ташқари, "Walt Disney" компанияси 2013 йилнинг июл ойи яқунлигига кўра бир миллиард доллардан ортқ маблағ ишлаб, Америка кино бозорида рекорд ўрнатди.

Бу йил энг катта даромадни "Marvel" ҳамда "Pixar" студияларида (ушбу студиялар "Walt Disney"га бўйсунмади) суратга олинган филмлар келтирди. Мисол учун "Темир одам — 3" филми икки миллиард долларга яқин маблағ тўллашга эришиб, йилнинг энг даромадли кино лойиҳасига айланди. "Девлар мактаби — 2" анимацион филми эса ҳозирги кунга келиб етти юз қирқ миллион доллардан ортқ маблағ ишлаган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИ: КЕЧА ВА БУГҮН

Эстрада санъати бугун етакчи муқиқий йўналишлардан бирига айланган. Бу соҳада янгиликлар, албатта, мутахассисларни бефарқ қолдирмайди. Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Ўзбек эстрадаси: кеча ва бугун" мавзуидаги навбатдаги илмий-амалий анжуман ҳам соҳа мутахассисларини, таниқли муқиқашунос ва ижодкорларни жамлади. Консерваторияда "Эстрада санъати" факултети ташкил этилганига ўн йил тўлиши муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда ўзбек эстрадасининг сўнгги йигирма икки йиллик тараққиёт йўлига назар солиниб, мавжуд муқома ва ютуқлар муҳокама қилинди.

Анжуман аввалида сўзга чиққан санъатшунослик фанлари номзооди, профессор Саида Қосимхўжаева таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг мустикаликка эришиши миллий эстрадаимиз ривожига муҳим воқеа бўлди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Ўзбекистон давлат консерваториясида махсус факултет ташкил этилиб, унинг таркибига "Эстрада хонандалиги", "Эстрада чолғу ижрочи-

лиги", "Муқиқий овоз режиссёрлиги ва инфоформатика" каби кафедралар биролаштирилди. Бу эса миллий муқиқа меросимиз негизида замонавий эстрада санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги муқиқий таълим тизимини яратиш иккинчи берди. Факултет талабалари орасидан қўллаб таниқли хонандалар, халқроқ танловлар ғолиблари этишиб чиқди.

Отаназар Матёкубов, Ирина Галушченко, Аваз Мансуров, Лола Ганиева, Ойдин Абдуллаева, Гулшан Турсунова каби муқиқа мутахассислари ўз маърузаларида эришилган ютуқлар билан бир қаторда иккинчи кутайтган айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратдилар. Хусусан, эстрада йўналишида таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига замонавий технологияларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бу соҳада таълим берувчи педагогларнинг илмий салоҳиятини ошириш учун янги дарсликлар, услубий қўлланмалар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Феруза ОБИДОВА

Она юртимиз беҳад гўзал. Унинг ҳар бир воҳаси бетакрор табиати, юксак тоғлари ва бепоён кенгликлари, тарихий обидалари, ҳушманзара манзиллари билан одамни ўзига маҳлиё этади. Ватанимиз истиқлоли жаннатмонанд юртимизнинг халқаро сайёҳлик салоҳиятини юзага чиқаришга доир катта истиқболларни намойиш этаётир. Мамлакатимиз жанубидаги Қашқа воҳасининг бу борадаги имкониятлари чексиз.

Юртбошимизнинг "Қашқадарёнинг саховатли заминидagi Китоб тоғлари ва Яққабоннинг сўлим боғларини, Дехқонобод яйловларию Косон ва Нишоннинг дала-дашларини, Муборакнинг текисликларини кезган, Шахрисабз обидаларини томоша қилган одам бу ўлкага беихтиёр бир умр мафтун бўлиб қолади", деган эътирофи ҳам бу дийрнинг халқаро туризмни ривожлантиришга доир салоҳиятини яққол тасаввур этиш имконини беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 - 2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм тармоқларини ривожлантириш дастури тўғрисида яқинда қабул қилинган қарорига биноан Қашқадарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларидан сўнг Ўзбекистоннинг учинчи сайёҳлик минтақасига айланади. Яқин икки йил ичида воҳанинг ноёб тарихий-маданий меросидан самарали фойдаланиш ва истиқболли сайёҳлик имкониятларини намойиш этиш бўйича амалга ошириладиган кенг кўламли тадбирлар мажмуи белгилади.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, шу мақсадда воҳанинг ноёб тарихий-меъморий ансамбллари, ёдгорлик ва обидалари таъмирланиб, сайёҳлик йўналишлари кенгайтирилиши, янги меҳмонхоналар қурилиши, хизмат кўрсатиш савияси оширилади, туризм индустрияси ва транспорт инфраструктураси ривожланади, янги иш ўринлари очилади. Бу борадаги давлат дастурини амалга ошириш учун ўзаро чамбарчас алоқадаги саксондан ортқ инфратузилма ва маркетинг тармоқлари куч-ғайрати сафарбар этилади. Сайёҳларни кенгроқ жалб этиш учун жа-

ҳон андозаларидаги меҳмонхона, ресторан ва умумий овқатланиш шохобчалари қурилиб, уларга хизмат кўрсатувчи му-

ЯНА БИР САЙЁҲЛИК ВОҲАСИ

"Биология кўриқхона"га сайёҳат, туя ва электромобилларда сайёр...



Хисор тоғларидаги Оксус дарёси.

тахассислар малакаси ва савияси оширилади. 20 дан ортқ сайёҳлик автобуси харид қилинади. Қарши аэровокалида сайёҳларга хизмат кўрсатувчи бизнес-

зал очилиб, Китоб темир йўл шохбекати биноси реконструкция қилинади.

Бундан ташқари, вилоят турли туманларида 30 дан ортқ отел-меҳмонхона қурилиб, мавжудлари реконструкция қилиниб, ўринлар икки баробар ошади.

Шаҳри Кеш ва унинг атрофидаги Китоб, Яққабон, Шахрисабз тоғлари сайёҳларни жалб этадиган ҳушманзара жойларга бойлиги учун дастурда сайёҳларни тарихий-меъморий обидалар билан таништиришдан ташқари бу ҳудудларда

экологик, рекреацион ва қишлоқ туризмини ривожлантириш, шунингдек, сайёҳлик салоҳияти юқорилигига қарамай шу имкониятдан фойдаланмай келаётган Қарши шаҳри ва туманида маданий танишув туризмининг ривожлантиришга эътибор қаратилган.

Сайёҳларга банк хизмати кўрсатиш савияси ҳам оширилади. Шу мақсадда сайёҳлик инфратузилмалари, аэропорт, темир йўл шохбекатлари, меҳмонхона ва рестороанлар, шунингдек, сайёҳлик манзилларида банккомат ва терминаллар ўрнатиш кўзда тутилади. Минтақанинг табиий ва тарихий-маданий ёдгорликлари бўйлаб янги сайёҳлик йўналишлари ҳамда интернетда "VisitKashkadarya" деб номланган янги портал очилади. Миришкор туманидаги Ачинқўл ҳавзаси соҳилида экотуризм имкониятини кенгайтириш мақсадида ов қилиш тақиқланадиган ва ўсимликлар муҳофаза этиладиган ноёб "Биологик кўриқхона" ташкил этилади.

Яққабон туманидаги соҳибқирон бобомиз туғилган Хўжайилгор қишлоғида буюк жаҳонгирнинг ёшлик даври ҳақида ҳикоя қилувчи музей очилди, Самарқанд — Шахрисабз автомагистрали бўйида ўтовлар, қишлоқ туризми

объектлари, ҳунармандлар устaxonаларини ўз ичига олган сайёҳлик мажмуаси, Мингчинолда эса тоғ-чанги базаси ва пўлат арқонли осма йўл барпо этилади. Сайёҳларнинг Китоб кенглик станцияси билан танишувдан ташқари, Китоб давлат геология ва "Хисор" кўриқхоналари атрофидаги манзилларни томоша қилиши учун ҳам шароит яратиш имконияти ўрганилади. Шахрисабз меъморий обидаларини келиб кўрувчиларга электромобиллар хизмат кўрсатади. Хорижий сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган Оксарой, Доруссаодат ва Дорут-тиловат ёдгорликлари ўртасида келаси йил июн ойига қадар тўртта электромобил қатнай бошлайди.

Косон туманидаги Хўжайилгор қишлоғида келаси йил охирига қадар табиий иссиқ минерал сув ёрдамида муолажа кўрсатувчи даволаш-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши якунланиб, сайёҳлик дастурига ушбу рекреация комплекси бўйлаб туяларда сайёр қилиш ҳам киритилади.

Дастурдаги мажмур режаларни амалга ошириш учун 101 миллиондан зиёд АҚШ доллари сарфланиб, унга давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, хорижий инвестициялар, кредитлар ва грантлар, республика йўл жамғармаси ва бошқа манбалар маблағлари йўналтирилади. Натижада воҳага келаётган чет эл сайёҳлари сони 1,4 баробар ошиб, йилга 24,1 мингдан 33,2 минг кишига кўпаяди. Меҳмонхоналар 1,8 баробар, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар умумий ҳажми эса 1,5 баробар ортиб, 4,5 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этади.

Қисқаси, биологик кўриқхонага сайёҳат, туя ва электромобилда сайёр, тоғ-чанги базаси, осма йўл ва Амир Темур туғилган қишлоқ музейига ташрифи яқин икки йил ичида Қашқадарё воҳасининг халқаро туризм салоҳиятини намойиш этувчи ва сайёҳларни ўзига қорловчи энг гўзал манзилларга айланиши шубҳасиз.

М.ЭШМУРДОВ

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ

турли жанрлар бўйича бааааа, ҳужжатли ва мультпликацион филмларга мўлжалланган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловга юбориладиган адабий сценарийларда куйидаги ғоялар ишонарли ва юқори бадиий савияда акс этган бўлиши лозим:

— юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ижтимоий-маърифий жаҳлларда рўй бераётган улугвор ўзгаришлар;

— миллимизга хос эзгу фазилатлар, шунингдек, чуқур тарихий илдишларга эга бўлган қадриятларимиз улугворлиги;

— ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондириши, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий қадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун хизмат қиладиган ибратли ҳаётий сабоқлар;

— азалдан халқимиз учун муқаддас бўлиши олинган ҳаётимиз таянчи ва суянки, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини эканлиги;

— она Ватан ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, адолат ва эзгуликни мардона ҳимоя қиладиган, ёвузлик ва хиёнатга муросасиз, эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли ва ғурури баланд замондошлар образи ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, эзгу фазилатлари билан кўпчиликлга ибрат бўлаётган замондошларимиз сиймоси акс эттирилган ҳамда боғ маданий-тарихий меросимиз, халқ озаки ижоди (эртақлар, масаллар, достонлар, маталлар) намуналари асосида ёзилган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар ҳам танловга қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар замонавий талаблар даражасида, юқори профессионал маҳорат билан ёзилиши, уларда миллий руҳ ва миллий колорит, зиддиятлар, психологик ҳолатлар ҳаққонли ва тўлақонли акс этирилиши, персонажлар тили жонли ва тўқис

бўлиши, сюжет, композицион қурилишда, драматизм ва воқеа-ҳодисалар динамикасида мувозанат сақланиши лозим.

Танловда кинодраматурглар, ёзувчи ва шоирлар билан бирга сценарий ёзиш борасида етарли тажрибага эга барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Танлов 2014 йил 30 апрелга қадар давом этади. Ғолиб деб топилган адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар бадиий, ҳужжатли ва мультпликацион филмлар суратга олиш учун тавсия этилади.

Танловга тақдим этиладиган адабий сценарийлар ва асарнинг кенгайтирилган баёни белгиланган тартибда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш идораси томонидан рўйхатга олинган бўлиб, ўзбек тилида, икки нусхада, компьютер ёки машинкада А-4 форматда, 1,5 интервалда кўчирилган бўлиши лозим. Танловга юбориладиган бадиий филмлар адабий сценарийларининг ҳажми 40 саҳифадан, асарнинг кенгайтирилган баёни 10 бетдан, мультфилм адабий сценарийларининг ҳажми 16 саҳифадан, ҳужжатли филмлар сценарийларининг ҳажми 8 саҳифадан ошмаслиги керак.

Адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар агентликнинг info@uzbekkino.uz электрон манзили орқали электрон шаклда ҳам юборилиши мумкин. Адабий сценарийлар ва кенгайтирилган сановатлар танлов комиссиясига юбориладигани қайд этилиши лозим.

Танловга тақдим этилган адабий сценарийларга тақриз ёзилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 239-49-56, 245-81-21. Манзиллимиз: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шох кўчаси, 98. инд.: 100027, веб сайт: www.uzbekkino.uz

"Сайланма"

Таниқли шоир Аҳмад Хўжанинг "Юлдузлар сеҳри", "Сабоқ", "Бувим билан учрашув", "Биз икки дунёмиз", "Карвон ва сарбон", "Содоқат чашмаси" номли китоблари аллақачон китобхоналар эътиборига тушган, улардаги турли жанрларга мансуб асарлар ўқувчилар меҳрини қозонган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятда чоп этилган шoirнинг "Сайланма" китобига турли йилларда ёзган шеърлари саралаб киритилган. "Ота уй", "Ҳаёт юки", "Олис овоз" ва "Кўёш сўзи" деб номланган туркумларда тартибланган бу шеърлар Аҳмад Хўжанинг назмдаги ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур беради.

"Сайланма"нинг илк саҳифаларида истиқлолдан илхом олган шоир офтобга талпингандек овозлиқ интилган юртдошларимизни мустақиллик билан қутлаб, "Истиқлол кўшиги" шеърини шундай ёзади:

Эрк йўлининг машаққат, синовлари кўп бўлди, Замонларнинг турфа хил алдовлари кўп бўлди, Эънинг нажот истаган индолари кўп бўлди,

Сен учун кўкси қалқон қизу ўғлон муборак, Халқим сенга ҳур Ватан — Ўзбекистон муборак.



Шоир табиатдан нусха кўчирмайди, табиат унган бу шеърлар Аҳмад Хўжанинг назмдаги ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур беради.

Китобдаги "Булулар", "Қишлоқ", "Ёмғир ёғар...", "Қуз — тиниқ фаслдор...", "Сой шовуллаб оқди паस्ता...", сингари лирик шеърлар, "Ота уй", "Амир Темур хиббониди", "Она" сингари қадрибад мавзулардаги манзумалар "Сайланма" мундарижасига алоҳида салмоқ бағишлаган.

"Сайланма"га Аҳмадҷон Мелибоев муҳаррирлик қилган ва сўзбоши ёзган.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси кинодраматург ва кинорежиссёр

Музроб БОЙМУХАММЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадқаримовга отаси

Абдулазиз МУХАМАДҚАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Куромбой Матризаевга рафикаси

Зейвар МАТРИЗАЕВанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАДАНИЙ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. ХОМИЙ: «МАЪБУТОТ ТАҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзиллимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Электрон манзиллимиз: uzas@exat.uz. Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86. Саъбат бўлими: 233-56-40. Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42. Назм ва наср бўлими: 233-58-60.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.35.



ЯНГИ АСРДАГИ ЖУГРОФИЙ КАШФИЁТЛАР

Антарктида "Альп" лар, Барени денгизидa "Гольфстрим"...

Хўш, Колумб Американи аллақачон очган, Беллинсгаузен ва Лазарев Антарктидага етиб боришган бўлса, Ер юзидa очилмаган қай бир ҳудуд қолдйикан? Бироқ, фазовий кема учувчилари Колумбнинг қараелла кемаси денгизчисидан бутунлай фарқ қилади-да. Эро, уларга ердаги ҳамма нарса кўриниб туради.

Бироқ жуғрофия мутахассислари бошқача фикрда. Қизиғи, улар хануз сайёрамаида янги тоғлар, ороллар ва жуда тор сув йўллари борлигини аниқлашмоқда. Тўрт йил муқаддам яна бир тоғ чўққиси топилди. Унинг баландлиги Альп тоғлари билан тенг экан. Авваллари уни пайқашмаган, сабаби бу чўққи Антарктида музлари остида "бекинган" экан. 1958 йилги экспедиция жанубий қитъа шарқидaги музлик остида Гамбургцев тоғлари ва унинг бир неча чўққиси борлигини, энг баланд чўққи қалинлиги 500 метрли муз қатлами билан қопланганини аниқлади. Бу чўққилар орасида нима борлиги эса сирлигича қолаётганди. 2009 йили олимлар шу жойларни самолётдан суратга олишиб, тоғ ҳудудидa радиоизондлаш ўтказишди. Буни қарангки, бу ҳудуд жуда катта бўлиб, бир километр қалинлиқдаги музлар остида бутун бир дарё ва кўллар мавжуд экан! Юқоридa ҳарорат —30 даража бўлишига қарамай улар оқиб ётибди. Жюль Вернинг "ташлаб кетилган" сирли дунёсидан бунинг қандай фарқи бор?

Бугун олимлар Антарктида Альпнинг пайдо бўлиши устида бош қотиришмоқда: бир қараганда улар Европадаги тоғлардан ўн баробар кексадек кўринади. Россиялик олимлар 2012 йил февралда Антарктида музлари тубидаги "Восток" кўлини бурғилашди. 3670 метр чуқурликка қадар қовлашди. Бироқ кўлда ҳаёт бор ёки йўқлиги узил-кесил исботини топган эмас. Ундаги шароит бир неча миллионлаб йил аввалгидек турибди. Бу кўлдаги шарт-шароит фазодаги Юпитер сайёраси йўлдошларининг музликларидaги шароитга ўхшайди. Бироқ бурғиланган қудуқ жуда ноёб: негаки, турфа чуқурликдаги музларда турли дорлар иқлимга оид маълумотлар мавжуд. Бу эса, глобал даражадаги исхи жараёнларини тақдйқ этиш учун жуда муҳимдир.

Яна бир мисол. Утган йил ёзида Шимолий Арктика федерал университети (Архангелск) илмий экспедицияи Барени денгизидa янги иссиқ өқим — кичик Гольфстримни топишди. Унинг "Новая Земля" ва "Франц-Иосиф ери" архипелаглари шимолдан келаётгани тахмин қилинмоқда. Яқинда эса Россия шимолий флоты ҳарбий гидрографлари "Франц-Иосиф ери" архипелагидаги "Нортбрук" оролини иккига ажратиб турувчи тор бўғос ҳамда "Александр ери" оролида тошли тоғ тизмасига дуч келдилар. "Академик Федоров" кемасида Арктика, Карск ҳамда Лаптевлар денгизлари бўйлаб уюштирилган Россия-Америка экспедицияси ҳозир Шимолий муз океанига Анлантикадан аввалгиларга қараганда 200-500 метр қалинроқ кучли сув оқими ўтаётганини аниқлади. Бу сув одатдагидан икки даража иссиқ ва шўрроқ. Шубҳасиз, бу ҳол кутб музлари ҳолатида ҳамда иқлимда муайян ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу муаммони яна ўзганиши зарур.

Ушбу жуғрофий ўзгаришлар эндиликда аввалгидек сувда сузувчи махсус экспедициялар орқали эмас, асосан, суний йўлдошлар ва бошқа янги технологиялар ёрдамида аниқланмоқда. Масалан, турли чуқурликдаги дарёлар сув оқими ёки денгиз тубининг тузилиши рельефи конотдан бемалол кўриниб туради. Бристолдаги жуғрофия фанлари мактаби олимлари шу йил ёзда Гренландия музлари остида узунлиги 850 километр ва чуқурлиги 800 метр бўлган улкан дара топилганини эълон қилишди. Бу дара NASA радиолокацион станциялари маълумотларидан фойдаланиб аниқланган.

Орегона университети профессори, Америка география жамияти вице-президенти Александр Мерфининг таъкидлашича, бугун инсон оёғи етмаган жой деярли қолмади. Бироқ одамлар бир неча бор ашаган жойлар ўзгариб бораётир. Бугуннинг энг муҳим вазифаси — Ернинг динамикасини ўрганиш, яъни сайёраимиз қандай ва нега ўзгараётганини тушуниб етишдан иборатдир. Масалан, айтилик, Испаниянинг сайёҳлар севадиган Канар оролларида яқин орада пляжлар кўпайиб қолади. Атлантика уммони тубидан кўтарилаётган вулкон аста-секин сув юзасида янги оролча пайдо қилады. Лава оқимлари худди пластилиндек қотгач, унинг юзасида қаттиқ майдон пайдо бўлады. Сув юзасида орол ҳосил бўлишига атиги ўнлаб метргина қолган, холос. Бундай ҳол Гавай оролларида ҳам юз бермоқда. Кейинги йилларда бу ерда лаваларнинг қотишидан икки юз гектарли ер пайдо бўлди. Тинч океанидаги Тувалу ва Кирибити архипелаглари эса аста-секин сув остига чўкиб бораётир.

Интернет хабарларидан.